
СЎЗ САЊАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

**ТАРЖИМАДА МИЛЛИЙЛИКНИ САҚЛАШ МУАММОЛАРИ
(ОЙБЕКНИНГ "НАВОИЙ" РОМАНИ ТАРЖИМАСИ МИСОЛИДА)**

Илхом Тухтасинов,

Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори

филология фанлари номзоди, доцент

ilhom_tuhtasinov@mail.ru

<http://dx.doi.org/10.26739/prefix>

For citation: Tuhtasinov I. M. Problems of preservation of national identity in translation (on the example of Oybek's novel "Navoiy"). International Journal of Word Art. 2018, vol. 1, issue 1, pp. 84-89.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-1-10>

Келиб тушган сана 8 феврал, 2018
Эълон қилинган сана 20 феврал, 2018.

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда таржима назарияси ва амалиётининг тарихи, таржимашуносликка бағишланган илк асарлар ва уларнинг муаллифлари ҳақида сўз юритилиб, таржимашуносликда миллийликни сақлаш муаммолари, ўзбек менталитетига хос миллий-маданий урф-одат, тарихий анъана ҳамда маросимларда ишлатиладиган сўз ва ибораларни китобхонга тўлиқ етказиб бериш каби масалалар кўрилган. Таржимашунослик назарияси тарихий илдилари хусусида фикр юритилган. Таржима жараёнида матнда юзага келадиган прагматик вазиятлар, муаллиф ва таржимон услубияти, миллий тарихий асарлардаги ўзбекона колоритни чет эллик китобхонларга етказиб бериш сингари муаммолар таҳлили берилган. Одатда, олимлар тарихий асарлар таржимасига оид икки хил йўналишни кўрсатиб ўтишади. Буларнинг биринчиси, таржима қилиниётган асар таржима вақтидан анча олдин ёзилган бўлади (масалан, "Бобурнома", "Фарҳод ва Ширин" каби). Иккинчиси эса ўзга тилга ўгирилаётган асар таржимон билан нисбатан замондош саналиши мумкин (масалан, "Шум бола" қиссаси, "Навоий" романлари каби). Мазкур мақолда таржимон тарихий воқеаларни ёритиб бераётган бўлса ҳам, асарнинг асл нухасига ўз замонаси нигоҳи билан қарашга ҳамда ўзининг шахсий прагматик тасаввурларини киргизишга тўла ҳақлилиги сингари муаммолар таҳлили берилган. Кўрсатилган масалалар Ойбекнинг "Навоий" романи асосида кўриб чиқилган. Таржима жараёнда муаллифнинг адолатли шоҳ ва халқ, Навоий ва халқ, Навоий ва уруш, Навоий ва маданият тақдири, Навоий ва халқлар ҳамжиҳатлиги сингари масалаларни бадий талқинига дуч келиши, бу вазиятда эса унинг зиммасига замондошлари учун муҳим, келгуси авлодлар учун ибратли бўлган ижтимоий-фалсафий қарашларни шоир образи орқали олға суриб Навоий сиймосини хорижликларга гавдалантириб беришга ҳаракат қилиш билан бирга, асардаги мақоллар, синоним сўзлар ҳамда фразеологик бирикмаларни усталик билан таржима қилиш вазифаси юклатилганлиги ёритиб берилган.

Калит сўзлар: таржимашунослик, миллий колорит, тарихий услубият, прагматик вазият, таржима мактаблари, тарихий романлар, сюжет, жанр, бадий-тасвирий воситалар, китобхон.

ПРОБЛЕМЫ СОХРАНЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ В ПЕРЕВОДЕ (НА ПРИМЕРЕ РОМАНА ОЙБЕКА "НАВОИ")

Илхом Тухтасинов,

кандидат филологических наук, ректор СамГИИЯ.

АННОТАЦИЯ

В статье изложена теория и практика перевода в Узбекистане. Передача слов и идиом выражающие национально-культурные традиции, исторические обычаи и обряды касающегося менталитета узбекского народа, в статье анализируются проблемы выражения авторов в переводах. Проанализированы такие проблемы, как передача узбекской окраски в национально-исторических работах иностранными читателями, стиль автора и переводчика, прагматические ситуации в процессе перевода текстов. Обычно ученые ссылаются на два разных способа перевода исторических произведений. Первый заключается в том, что переведенная работа написана задолго до времени перевода (например, "Бабурнама", "Фарход и Ширин"). Вторая - работа, переведенная на иностранный язык, современна для переводчика (например, "Озорник", "Навои"). В этой статье переводчик предоставил анализ исторических событий, в том числе анализ проблемы, такой как подлинная копия произведения, с современным взглядом и полной правдивостью собственных прагматических взглядов. Вопросы обсуждались на основе романа Ойбека "Навои". Процесс перевода, автор просто царь и народ, Навои и народ, Навои и войны, Навои и культурные вопросы того периода, такие, как сотрудничество между странами, Навои и художественная интерпретация, в данном случае, является лицом своих современников важен для будущих поколений, чтобы опираться на социально-философские взгляды с помощью образа поэта он пытался передать образ Навои иностранцам, и он умело переводит в произведение статьи, синонимы и фразеологические ассоциации. Кроме того, было обращено внимание на функции переводчика, описывающие образ Навои для иностранных читателей как человека, ответственного за создание социально-философских мнений, которые очень важны для его современников и дидактических привычек для будущих поколений. Точно так же обсуждались проблемы перевода пословиц, синонимов и фразеологических единиц в произведение, обозначающее культуру народов Центральной Азии в этот период.

Ключевые слово: переводоведение, национальная окраска, исторический стиль, прагматический процесс, школы перевода, исторические романы, сюжет, жанр, художественные средства, читатель.

PROBLEMS OF PRESERVATION OF NATIONAL IDENTITY IN TRANSLATION (ON THE EXAMPLE OF OYBEK'S NOVEL "NAVOIY")

Ikhom Tuhtasinov,

candidate of philological sciences, assistant professor. Rector of SamSFLI

ABSTRACT

It is issued about translation theory and practice in Uzbekistan in the article. Transferring words and idioms express national-cultural traditions, historical customs and ceremonies deal with the Uzbek people's mentality, the problems of expressing nationality in translation studies are analyzed in the article. The problems such as, to transfer the Uzbek colouring in national - historical works to foreign readers, the style of author and translator, pragmatic conditions inflame in the text at the process of translation were analyzed. Scientists indicated two types of directions related to the translation of historical works. The first one is the work was written in older time than translating period (for instance, "Baburname", "Farhod and Shirin"). The second one is the work translated into foreign language is contemporary to translator (for instance, "Naughty boy", "Navoiy"). Although the translator described historical events, he made attitude to the original of the work from the point of his own present period. Translators have the rights to

enter the rules of his own interests on the work. The above mentioned problems were discussed in the article. These problems were discussed on the basis of the novel "Oybek". It was mentioned that the translator may come across literal interpretation of issues on justice king and people, Navoiy and people, Navoiy and war, Navoiy and the destiny of the culture of that period, unanimous character between Navoiy and people. Besides, it was paid attention to the functions of the translator that describing the image Navoiy for foreign readers as the person who was responsible to create social-philosophical opinions which are very important for his contemporaries and didactic habits for future generations. Likewise, the problems of translating proverbs, synonyms and phraseological units in the work denoting Central Asian people's culture at that period were discussed detailed.

Keywords: Translation studies, national colouring, historical style, pragmatic condition, translation schools, historical novels, plot, genre, literal-expressive devices, reader.

Маълумки, таржима ва таржимонлик узоқ асрлардан буён дунё халқлари тарихи ва маданиятида шаклланиб келаётган кўхна ижодий фаолият соҳаларидан биридир. Таржима халқлар ўртасидаги маданий, ижтимоий, дўстлик-тотувлик, яхши қўшничилик алоқалари ва муносабатларини йўлга қўйиш, мустақамлаш, тараққий эттиришга хизмат қилади. Таржима орқали умуминсоний қадриятлар кенг ва чуқур илдиз отади, инсониятни янги тараққиёт чўққиларига олиб чиқади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон заминидagi таржима мактаблари илдизлари Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошғарийларнинг фолиятларида учратилса-да, назарий таржимашунослик Ўзбекистонда нисбатан янги соҳа саналади ва бу жабҳада қилинажак ишлар ҳали талайгина эканлиги кўзга ташланади.

Таржимашунослик илмий асосда ХХ асрнинг ўттизинчи йилларидан шакллана бошлади. Шу даврдан бошлаб илмий мақолалар пайдо бўлди. Талантли таржимон Санжар Сиддиқнинг 1936 йилда нашр этилган "Адабий таржима санъати" асари Ўзбекистонда таржима назариясига бағишланган илк илмий пухта китобдир. Санжар Сиддиқ билан бирга ёнма-ён Сотти Хусайн, Маннон Роик, Мадамин Даврон, С. Паластров, М. Салье сингари амалиётчи таржимонлар таржимашунослик билан фаол шуғулланиб, нашр этилаётган таржима асарларнинг ютуқ ва камчиликларини таҳлилдан ўтказиб борганлар. Шу тариқа Ўзбекистонда

таржимашуносликнинг долзарб масалалари ўрганила бошланган.

Таржимонлар адекват таржимани ярата олишига ишонч ҳосил қилмай туриб ҳам, маълум бир ишга қўл уриши ва таржима сифатига масъуллик даражасини камайишига шу билан бирга, таржимоннинг хатоси туфайли китобхоннинг нотўғри хулосаларга олиб келишини эсда тутиш керак. Аслият матни билан боғлиқ лингвистик ва эскралингвистик факторлар, у ёки бу чет тилдаги таржима қилинмайдиган лексик бирликлар, умум фойдаланадиган лексика ёки муайян бир муаммони амалий таҳлил қилган ҳолда қўплаб ҳолатларни аниқлаш ва идентификациялаш таржимоннинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Таржимон бирор асар таржимасига қўл урар экан, дунёқараши кенг, тафаккури кучли ҳамда матнни идрок этиш қобилияти юқори даражада бўлиши керак. Айниқса, тарихий асарларни таржима қилиш ижодкорга янада каттароқ масъулиятни юклайди. Чунки унга маълум бир даврни танлаш, таржима жараёнида асарни аслият шаклида сақлаш, ўзбек менталитетига хос миллий-маданий урф-одат, тарихий анъана ҳамда маросимларда қўлланадиган сўз ва ибораларни китобхонга тўлиқ етказиб бериш каби вазифалар юклатилади.

Таржима назариясида "тарихий услубият" деган тушунча мавжуд бўлиб, бу таржима муаллифи гарданига китобхонга миллийлик ва тарихийлик колоритини етказиб бериш вазифасини юклайди¹. Умуман олганда, таржимашунослик муаммолари ўрганилар

1. Фёдоров А.В. Основы общей теории перевода. - М., Высшая школа, 1968. - 358 с.
(Fedorov A.V. Fundamentals of the general theory of translation. - M., High School, 1968. - 358 p.)

экан, олимлар тарихий асарларнинг таржимасига оид икки хил йўналишни кўрсатиб ўтишади. Буларнинг биринчиси, таржима қилиниётган асар таржима вақтидан анча олдин ёзилган бўлса (масалан, "Бобурнома", "Фарҳод ва Ширин" каби), иккинчиси эса ўзга тилга ўгирилаётган асар таржимон билан нисбатан замондош саналади (масалан, "Шум бола" қиссаси, "Навоий" романлари каби). Таржимон тарихий воқеаларни ёритиб бераётган бўлса ҳам, асарнинг асл нусхасига ўз замонаси нигоҳи билан қарашга ҳамда ўзининг шахсий прагматик тасаввурларини киргизишга тўла ҳақлидир¹. Умуман, тарихий асарлар таржимаси ижодкор олдиға қатор муаммоларни келтириб чиқаради: унда аслият ёзилган давр билан таржима юзаға келган давр тафовути шаклланади. Чунки айрим тарихий асарларни китобхон ҳатто ўз она тилида тушуниши қийин кечади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ижодкор она тилидаги асарни таржима қилишни ўз олдиға мақсад қилиб қўяр экан, аввало, таржимон асл нусха моҳиятини тўла-тўқис идрок этиши, ундан сўнггина уни хорижий тилға таржима қилишға қўл уриши даркор. Агар таржима прагматик таржима талабига жавоб бермаса, бу китобхонни чалғитади, натижада асар муаллиф томонидан паст савияда битилган деб баҳоланади. Ва аксинча, агар асар маҳорат билан ўгирилган бўлса, миллий тарихий романларимизни дунё бўйлаб чет тилларда ўқиш имконияти яратилади. Демак, таржима янгича сюжет, жанрни шакллантиради. Адабиётда янгича бадиий-тасвирий воситалари юзаға келтиралади. Фикр далили учун Ойбекнинг "Навоий" романи таржимаси ҳақида сўз юритсак.

Романда ёзувчи буюк шоир образи талқини орқали XV аср халқимиз тарихининг мураккаб манзарасини чизиб берди. Ойбек Навоий сиймосига хос бўлган улуғ фазилатларни мукамал тасвирлаб

берган. Романдаги бу бадиий мукамаллик тасвирдаги Навоий ҳаётининг барча босқичлари берилган лавҳаларда намоён бўла боради.

Таржима жараёнида ҳам ижодкор адабий ижоднинг назорат ва бадиий хусусиятларини теран идрок этиши, асардаги персонажлар сифатига алоҳида эътибор бериши лозим бўлади. Шунинг учун ҳам биргина "Навоий" романида Султонмурод, Арслонқул, Зайниддин, Мажидиддин, Тувғонбек каби персонажларнинг ёрқин образини қайта яратиш таржимондан алоҳида маҳорат талаб қилади. Навоий образини ёритиш эса муаллифдан буюк мутафаккирнинг ҳаёти ва ижоди, шоир яшаган даврни тадқиқодчи олим сифатида пухта ўрганишни қанчалик талаб қилган бўлса, асарни таржима қилиш масъулияти таржимонға ҳам худди шу талабларни қўяди. Зеро, Навоий шахсини ҳис этмай туриб, унинг пурвиқор образини бошқа халқ вакиллариға гавдалантириб бўлмаслиги табиийдир.

Шуниси аҳамиятлики, маданиятлар ўртасидаги тафовут таржимондан чуқур лингвистик билимларға эға бўлиш билан бир қаторда, халқлар маданиятидан ҳам хабардор бўлишни талаб қилади. Масалан, ўзбекона маданият меъёрлари, шубҳасиз, америка маданиятидан фарқ қилади. Миллий асарларимизда учрайдиган айрим сўзлар ёки жумлалар матнда фақатгина бизнинг миллатимизға хос бўлган прагматик вазиятни юзаға келтиради. Бу нозикликларни тушуниш учун эса ўзбек миллати вакили саналиш керак бўлади.

Масалан, асарда учрайдиган биргина "Боракалло!" сўзини олайлик. Мисолимиздан кўриниб турибдики, ижодкор бу сўзни ким айтганлигини, унинг жинси, ёши ҳақида ҳеч қандай маълумот бермаса ҳам, китобхон жумланинг муаллифи ёши улуғ эркак киши эканлигини ҳеч қийналмай англаб олади. Худди мана шу вазиятни чет эллик китобхонға етказиш эса таржимоннинг ҳақиқий санъати ҳисобланади.

1. Фёдоров А.В. Основы общей теории перевода. - М., Высшая школа, 1968. - 152 с.
(Fedorov A.V. Fundamentals of the general theory of translation. - M., High School, 1968. - 152 p.)

**"Боракалло, бу ердаги ишлардан
ақл хурқади!"**

**"Well, well! Local affairs can come
in horror!"**

Ёки қуйидаги яна бир мисолни олиб қарайлик:

– **Фақирнинг остонасини не мақсад билан босдингиз? - секин, лекин норозилик оҳанги билан сўради кимёгар.**

Келтирилган мисолда **фақир** сўзи мавжуд бўлиб, бу сўз камбағал, бечора маъносида эмас, балки биринчи шахс кишилик олмоши (**мен**) ўрнида келиб, ўзида ўзбекона камтаринликни акс эттираяпти. Бу ҳолатни таржимон китобхонга айнан шу маънода етказиб бериши керак бўлади:

- *Why have you come to my place? - he asked slowly but with an unsatisfied tone.*

Юқоридагилардан ташқари, асарда унинг услубини бойитувчи синоним сўзлар, фразеологик бирикмалар, мақоллар ҳам учрайдики, уларнинг муқобилини топиш таржимоннинг сўз бойлигининг нақадар бой бўлиши кераклигидан далолат беради. Бироқ шуни ҳам айтиш лозимки, айрим вазиятларда таржимон синонимик воситалар ўрнига лексик такрор приёмидан фойдаланади.

М. Ҳакимов лексик такрор мазмун изчиллигини сақлаш мақсадида қўлланишини ва мазкур ҳодиса бир абзац таркибидаги гапларда аниқ кўзга ташланишини эслатади¹. Е.А. Реферовскаянинг фикрига кўра эса, кетма-кет келаётган гапларда маълум бир сўзнинг қўлланиши уни жумланинг марказий унсурига айлантиради ва бу билан тингловчининг ҳам, сўзловчининг ҳам диққати ана шу сўзга қаратилади. Бундан ташқари, унинг воситасида жумлалар ўзаро боғланади².

Фикримиз исботини қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин:

Мана у бир зум қотиб бошини ушлади - оқ салла қип-қизил қонга бўялди. Оломон ҳайқириб чуввос соларкан, ярадор амалдор

дарахтлар орасида ғойиб бўлди... - Ажаб воқеалар бўлмоқда. Халқнинг ҳақиқат талаб қилган овозидан бутун Ҳирот ларзада, - шавқ билан деди Султонмурод... - Улуска не ёмонлик қилибмиз? - бепарволик билан сўради Тўғонбек.

Берилган мисолда кўриниб турганидек, **оломон, халқ, улус** каби синоним сўзлар ишлатилган. Бироқ таржима жараёнида синонимик воситалардан эмас, балки юқорида таъкидлаб ўтилган лексик такрор приёмидан фойдаланилган:

Here he paused for a moment and grabbed his head, - his white turban was drowned in blood. The people broke cries of joy; he was wounded, managed to hide behind trees... - There is an extraordinary thing going on outside. The people demand justice, their voices are shaking entire Herat... - Sul-tonmurod said excitedly... What have I done wrong to the people? - Togonbek asked quietly.

Ойбекнинг "Навоий" асарини таржима қилар эканмиз, бу жараёнда муаллифнинг адолатли шоҳ ва халқ, Навоий ва халқ, Навоий ва уруш, Навоий ва маданият тақдири, Навоий ва халқлар ҳамжиҳатлиги сингари масалаларни бадиий талқинига дуч келамиз. Бу вазиятда эса замондошлари учун муҳим, келгуси авлодлар учун ибратли бўлган ижтимоий-фалсафий қарашларни шоир образи орқали олға суриб Навоий сиймосини хорижликларга гавдалантириб беришга ҳаракат қилиш вазифаси зиммамизга юклатилади.

Бизга маълумки, тарихий асарлар кўпинча, назмий шаклда ёзилган. Бироқ кўплаб асарлар назмдан насрга таржима қилинган. Насрий таржиманинг ҳам шеърий таржима каби ўз қийинчиликлари бор. Кўпинча шеърий таржимада сўз танлаш, унинг узун ёки қисқалиги, таркибидаги ҳар бир унли ва ундош товушлар ҳал қилувчи роль ўйнайди деган фикрларга дуч келамиз. Бироқ насрий таржиманинг ҳам ўзига хос мураккабликлари мавжудки, юқоридаги мисоллардан кўриниб турганидек, таржима

1. Ҳакимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини // Докт. дис. автореф. - Тошкент, 2001. - 9 б. (Накимов М.Х. Pragmatic interpretation of the text in Turkish // Dokt. dis avtoref - Tashkent, 2001. - 9 p.)

2. Реферовская Е.А. Лингвистические исследования структуры текста. - Л.: Наука, 1983, - 52 с. (Referovskaya E.A. Linguistic research of text structure. - L.: Science, 1983, - 52 p.)

жараёнида сўзлар маъно тарафидан ва услубан бир-бирига мос тушиши; бир-бирини ўрнини қоплаши зарур, муқобил иборалар топиш, ўзгача синтактик қурилмалар тузиш керак бўлади.

Баъзан асар таржимасида таржимон икки тил билан эмас, балки уч ёки ундан ҳам ортиқ тиллар билан ишлашига тўғри келади. Жумладан, "Навоий" асарида ҳам биз форс-тожик тилидаги шеърларни учратамиз:

Ҳеч касро назди дуд нагузошти,

Ин ду шоҳи гов гар ҳар дошти.

Келтирилган мисолда кўриниб турганидек, бу ҳолат зиммамиздаги вазифани икки карра оширади. Энди таржимондан фақатгина ўзбек ва инглиз тили билан эмас, балки шулар жумласидан форс-тожик тили билан ҳам ишлаш талаб этилади:

If a donkey had ox's horns,

In would not let anybody come close to it.

Ўзбек тилида уни қуйидагича таржима қилинганини кўришимиз мумкин:

Агар эшакни ҳўкиз каби шоқлари бўлса,

Ҳеч ким унга яқинлашмаслиги керак эди.

Хулоса қилиб айтганда, таржимон маҳорати энг муҳим хусусият ҳисобланиб, асар савиясини ҳам тўлдириб кетиши мумкин. Агар таржимон етарли даражада билимга ва тажрибага эга бўлмаса, таржима тўлақонли чиқиши мушкул. Агар бу икки сифат етарли бўлса, ижодий методлардан фойдаланиб савиясиз асарни ҳам савияли кўринишда таржима қилиши ва буюртмачи эҳтиёжини тўла қондириш мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилган таржиманинг долзарб масалалари ҳар доим ўз қийматини йўқотган эмас. Аслиятдан таржима тилига таржималар қанчалик кўп амалга оширилса, шунчалик кўп танқид қилинади ва таржима назарияси учун янгича қоидалар, кўрсатмалар, тавсиялар яратилишига асос бўлади. Ҳозирда "Ўткан кунлар", "Навоий", "Шум бола" асарлари инглиз тилида чоп этилди. Бу асарлар келгусида килинижак ишларимизнинг дебчаси саналади ва улар дунё аҳлига ўзбек адабиётини мумтоз асарларини етказиш каби улкан мақсадларга туртки бўлса ажаб эмас.